

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ДИДАКТИК ҲИЙНЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Авазхонов Шохназар Гулназарзода

ҲДПУ «Бошланғич таълим» юналиши 3-курс талабиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7500801>

Аннотация: Сизга тақдим етилган мақолада бошланғич синфларда дидактик ҲИЙНЛАРНИНГ самарадорлигини оширишга ҳамда ўқувчиларни дарс пайтида дидактик ҲИЙНЛАР утказиш, ҳалб ва қизиқтириш аҳамияти ҳақида фикир юритилган.

Калит сўзлар: Дидактика, ҲИЙНЛАР, таълим, мактаб, дарс, ўқувчи, ўқувчи.

Дидактик ҲИЙНЛАР дарс жараёнида савол-жавобларга асосланиб ўтказиладиган жисмоний ҳаракатли ҲИЙНЛАР бўлиб, ўқитиш вазифасига хизмат қилади ва қизиқарли, мароқли, тушунарли даражада олиб борилади. Болалар ғолиб чиқиш мақсадида бор имкониятлари билан машқ қиладилар, берилган ҳар бир топшириқни бажаришга одатланиб қоладилар, натижада уларда дидактик топшириқларни бажаришга бўлган қизиқиш ортиб боради.

Дидактик ҲИЙНЛАР ҳар бир дарснинг мақсадини, ҳар бир машқнинг мақсад ва вазифаларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради. Шунингдек, таълимнинг кўргазмалилиги, ўқитувчининг нутқи ва болалар ҳаракатини ўз ичига олади, бунинг натижасида идрок (кўриш, эшитиш, тери сезгиси белгилари)да мужассамлик юзага келади. Бу эса ўқитувчининг айтганларини болаларнинг ҲИЙЛАБ олишига ва ўша айтилганларни ифодалаб беришларига, яъни дидактик ҲИЙНЛАР қоидаларини ўқувчиларнинг ўзлари бажаришларига имкон беради.

Дидактик ҲИЙНЛАРНИНГ бу тарзда тузилиш хусусиятлари ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам барча болалар ҲИЙН ВАҚТИДА қизиқиш билан ҳаракат қиладилар. Дидактик ҲИЙНЛАР боланинг ҳис-туйғусига таъсир этиб, унда ўқишга ижобий муносабат ва қизиқиш хислатини таркиб топтиради. Болалар ҲИЙННИ зўр мамнуният билан ижро этади. ҲИЙННИНГ бошланишини эса сабрсизлик билан кутадилар, уларнинг онгида беихтиёр эртанги ўқув кунининг қувончли манзараси гавдаланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, дидактик ҲИЙНЛАР ҳамжиҳатлик ва интизомлиликни тарбиялашга ёрдам беради, чунки ҳар бир ҲИЙН ғалаба қозонишга интилиш билан боғлиқ бўлиб, ҲИЙН шартлари ва қоидаларига қатъий ва изчил риоя қилишни талаб этади. Бунда «Ким тез бажаради»,

«Ким аниқроқ ва тезроқ ҳаракат қилади», «Бўш келма», «Энг яхши ҳисобчи», «Кўрганни эслаб қолиш диктанти» сингари ўйинларни ўтказиш пайтида ўқувчилар синф хонасида жимжитлик бўлиши, ўқувчиларнинг ўзларини тута билишлари, партадан товуш чиқармай туриб, оёқ учида доскага чиқа олишлари, жойларига осойишталик билан қайтиб келиб ўтиришлари, товушларни диққат билан тинглашлари, рақамларга зеҳн билан қарашларига эришилади.

Шунингдек, дидактик ўйинлар болаларда дўстлик, биродарлик, меҳнаткашлик ҳиссини тарбиялаш ва тараққий эттиришга ҳам ёрдам беради. Бунда «Ким турган саф яхшироқ», «Занжирча», «Нарвонча», «Билган киши санашни давом эттираверсин» сингари ўйинлар ўтказилаётганда болалар ўз ўртоқлари, ўзи турган саф ва ўз синфларининг шарафи учун курашадилар. Бир сафга тизилганлар иккинчи сафда турган ўқувчилар билан мусобақалашаётганда топшириқни сафлардан бирининг битта ўқувчиси ёки бир неча ўқувчилари, ёхуд бутун бир саф бажаради.

Дидактик ўйинларда тиришқоқлик, матонатлилик, бошланган ишни охирига етказиш каби энг керакли иродавий сифатлар тарбияланади. Масалан, «Доиравий мисоллар» ўйинида олти мисолнинг ҳаммасини ечиш керак, акс ҳолда, охирги соннинг биринчисига тўғри келиш-келмаслигини билиб бўлмайди. Ана шунинг ўзи болаларни фаоллаштириб юборади ва улар мисолни охиригача ечмай қўймайдилар.

Дидактик ўйинлар ўқитувчини болаларга яқинлаштиради, ўқитувчи болалар наздида тарбиячигина эмас, балки чинакам дўстга айланади. Бу эса дастлабки кунларда юз берадиган ётсираш ҳолларига барҳам беради. Натижада, ўйинлар болаларда ўқитувчи ва ўқишга нисбатан ижобий муносабат пайдо қилади.

Синфдан ташқари машғулотларда ўтказиладиган ўйинлар болаларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш воситасидир. Масалан, «бўғинлар», «санайвер», «қизиқарли квадратлар» каби ўйинлардан қўшимча машғулотларда унумли фойдаланилса, болалар ўз хоҳишлари билан дарсдан кейин қолишга рози бўладилар ва ўзларига берилган топшириқни катта қизиқиш билан бажарадилар.

Бошланғич синф ўқитувчиси Давлат таълим стандарти бўйича болаларнинг мантиқий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунёқарашини, коммуникатив саводхонлигини ва ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантиришга, эркин фикрлай олиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда равон баён қила олиш кўникмаларини эгаллашларига эришиши лозим. Шу боисдан

хам бошланғич таълимнинг ўқув жараёнидаги бир хилликка барҳам бериш дарс жараёнининг турли туманлигини, ранг баранглигини таъминлаш мақсадида илғор педагогик ва инновацион технологияларни кенг жорий этишга мўлжалланган ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва тадбиқ қилиш давр талабидир.

Шу билан бирга, дарс жараёнида махсус тайёрланган мультимедиали иловалар, видеолавҳалар ҳамда турли анимацион материаллардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ташкил қилинганда, ўқувчиларнинг амалий тафаккур ва тасаввурларини шакллантиришда мавзуга бўлган қизиқишларини орттиради ва тез тушуниб олишларига имконият яратади. Шунингдек, дарс давомида ўқувчилар чарчаб қолмаслиги ва зерикмасликлари учун мусиқали дам олиш дақиқалари ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шундай, бошланғич синфларда математика дарсларида дидактик ўйин ва бошқотирмалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва ҳозиржавоблик қобилиятларини янада ривожлантиради. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқув жараёнини ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш ўқувчиларга ўқитувчининг иштирокисиз мустақил тарзда амалга ошириш учун зарур бўлган элементларни, дидактик материалларни бериш (ўқув масалаларини қўйиш, амалий предметли мазмунини аниқлаш, ҳар битта алоҳида амалларнинг бажарилиши бўйича намуналарни кўрсатиб бериш, ҳар бир ҳаракат ва амалларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш, масаланинг ечилганлигини, тугалланганлигини баҳолаш) узлуксиз тарзда кетма-кет кечадиган жараёндир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Бобоева К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари – Тошкенд ўқутувчи, 2017.
2. Алиев А. Ўқувчиларнинг ичодкорлик қобилияти, - Тошкенд: ўқутувчи, 2016